

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН
ҚУРИЛИШ ЛОЙИХАЛАРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ПРОКУРОР
НАЗОРАТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Шорахимов Хусан Муроджон ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси

2-курс тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 143-моддасида прокуратурани ташкил этишдан асосий мақсад аниқ белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари келтирилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Қонунда белгиланган прокуратура органларининг ушбу вазифалари прокурор назорати татбиқ этиладиган барча тармоқларга тааллуқли ҳисобланади.

Бир томондан, прокурор текшируви қонун бузилишларини аниқлашнинг асосий усули бўлса, иккинчи томондан, қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этиш бўйича прокурорнинг ваколати сифатида қаралиши мумкин.

Давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳалари ижроси юзасидан **прокурор назоратининг вазифалари** – бу давлат

дастурларида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ва қурилиш ишларини сифатли, тўғри ва муддатида амалга ошириладиган чоратadbирлар йиғиндисидан иборат бўлган прокурор назорати тadbирлари ҳисобланади.

Прокурор ушбу вазифаларни бажариши орқали давлат дастурларидаги қурилиш лойиҳалари ижросига оид қонунчилик ҳужжатларини аниқ ва бир хилда бажарилиши, давлат дастурларини тўлиқ ва сифатли ижро этилиши таъминланади.

Бундай вазифалар белгилаб берилган қонунчилик ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сон Фармони ҳисобланади.

Ушбу фармоннинг 1-бандида жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали **“Халқ манфаатларига хизмат қилиш” прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланган.**

Бунинг учун прокурорларга ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини сўзсиз бажариш, амалга оширилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга асосий эътибор қаратиш юклатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 ноябрдаги ПҚ-425-сон қарорида соҳадаги **прокурор назоратининг вазифалари кенгайтирилган шаклда аниқ кўрсатиб ўтилган.**

Мазкур Қарорга кўра, прокуратура органлари давлат дастурлари асосидаги қурилиш лойиҳалари ижросини назорат қилиш вазифалари:

– қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш, объектларни молиялаштириш ва қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш тадбирларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори билан белгиланган талаблар асосида амалга оширишни ўрганиш;

– ҳар бир объект бўйича ер майдони ажратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш, тендер (танлов) савдоларини ўтказиш ва молиялаштириш тадбирларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда бажаришни ўрганиш;

– объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишда архитектура, шаҳарсозлик ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

– лойиҳа-смета ҳужжатларида ортиқча иш ҳажмлари кўрсатилиши ва маҳсулотлар нархлари асоссиз оширилган ҳолда киритилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

– қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, ушбу жараёнда ортиқча бюрократияга йўл қўйилмаслик чораларини кўриш;

– жисмоний ва юридик шахсларнинг қурилишлар билан боғлиқ муурожаатларини ўрганиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш;

– қурилиш соҳасида коррупция ва қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериб бориши лозим.

Юқоридаги қайд этилган вазифаларнинг ҳар бири қурилиш лойиҳаларини сифатли ва ўз муддатида рўёбга чиқарилиши, улар учун ажратилган бюджет

маблағларининг мақсадли, самарали ва тежамкорлик билан ишлатилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳужжатлари билан қаторда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳужжатларида ҳам соҳадаги прокурор назоратининг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Хусусан, Бош прокурорнинг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сон буйруғи ва 2023 йил 21 июндаги 281-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг **Қурилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомларда қурилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишдаги устувор вазифалар сифатида қурилиш соҳасидаги масалалар ҳам қайд этилган.**

Қайд этилганларни умумлаштирган ҳолда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатларда белгиланган функция ва талаблардан келиб чиқиб, соҳадаги прокурор назоратининг **асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:**

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг капитал қурилиш соҳасидаги давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;
- 3) назорат остидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятида ҳамда улар томонидан давлат дастурлари асосидаги қурилиш лойиҳалари ижроси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига бир хилда риоя этилишини таъминлаш;
- 4) қурилиш лойиҳалари юзасидан давлат харидларини қонуний ва адолатли ташкил этилишини назорат қилиш;

5) давлат дастурлари асосида амалга ошириладиган қурилиш лойиҳаларига ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ва иқтисодий жиҳатдан самарали сарфланишини таъминлаш;

6) қурилиш лойиҳалари шаҳарсозлик ва қурилиш қоидаларига мувофиқ, сифатли ва ўз муддатида амалга оширилишини таъминлаш;

7) ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва уларга чек қўйиш, айбдорларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўриш.

Келтириб ўтилган асосий вазифалар рўйхати тўлиқ эмас ва кўриб чиқиладиган давлат дастурларидаги қурилиш лойиҳалари ижросини ташкил этиш билан боғлиқ ўзгаришларга қараб тузатилиши мумкин.

Хулоса

Соҳадаги прокурор назоратининг вазифаларини тўғри ва аниқ белгилаб олиш қонунийликнинг ҳақиқий аҳволини аниқлашга ва қонун бузилиши ҳолатлари йўл қўйилаётган жараёнларини ойдинлаштиришга имкон беради.

Шу билан бирга бу прокурорга содир этилган ҳуқуқбузарликларни тўхтатишга, айбдорларни жавобгарликка тортишга, бузилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклашга энг самарали ёрдам берадиган таъсир чораларини танлаш имконини беради.

Демак, ҳар қандай соҳада ташкил этиладиган прокурор текширувидан мақсад ва унда қўлланиладиган ёндашувлар ушбу соҳада прокурор назоратининг олдида қўйилган вазифаларни ижросини сифатли ва тўлиқ таъминлаш билан белгиланиши лозим.

Соҳадаги прокурор текширувларини ташкил этишда ушбу вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.*
2. *Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги қонуни. 2001 йил 29 август, 257-II-сон.*
3. *О.М.Мадалиев. Прокурор назорати. Олий ўқув юртлари учун дарслик (Умумий қисм). Т.: “Илм Зиё”, 2012.*
4. *Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. –Т.: 2008.*
5. *Коробейников Б.В. Правовое регулирование предмета общего надзора. В кН. “Совершенствование правового регулирования прокурорского надзора в СССР”. М. 1976.*
6. *Ястребов В.Б. Прокурорский надзор. Учебник. М. 2001. – С. 168.*
7. *Бессарабов В.Г. Прокурорский надзор. М. 2006. С. 187; Комментарий к закону “О прокуратуре Российской Федерации”, под ред. Ю.И. Скуратова. М. 2001. – С. 102.*
8. *Методика и тактика проведения прокурорской проверки: учебное пособие/под ред. О.Н.Коршуновой.- СПб., 2014.*